

ИЖТИМОЙ БОШҚАРУВНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

Мансурова Малоҳат Юнус қизи

Навоий давлат педагогика институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч
доктаранти

Электрон почта: m.mansurova1992@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11542948>

Замонавий дунёда ижтимоий бошқарув тобора муҳим аҳамият касб этмоқдаб чунки глобаллашув ва жадал технологик тараққиёт жамиятда доимий ўзгаришларга олиб келади. Ижтимоий бошқарув жамиятни янги муаммоларга мослаштириш ва ноаниқлик шароитида мураккаб жараёнларни бошқариш учун зарур бўлади.

Ижтимоий бошқарув – бу жамиятдаги ижтимоий жараёнларни бошқаришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир менежерлар олдида турган мақсад ва вазифаларнинг ўзига хос хусусиятга қарабб ижтимоий бошқарувни бир нечта турларига ажратиш мумкин¹.

Мамлакатимиз йилдан йилга жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичра тенг бўлиб, тараққиётнинг ўзи танлаган йўлидан асосий мақсадимиз – инсон манфаатлари, ҳуқуқ ваэркинликлари юксак қадрият ҳисобланувчи, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва тараққий эттириш сари дадил одимлар билан ривожланиб бормоқда.

Бунда олиб борилаётган ислохотлар асосан инсон учун, унинг манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Инсон тараққиёти концепциясига кўра, жамиятнинг ривожланиши марказида фақат оддий иқтисодий кўрсаткичлар эмас, балки, аввало, инсон туриши керак. Тараққиётнинг пировард мақсади ва унинг самарасининг бош мезони – одамларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларнинг табиий, жамиятда умумэътироф этилган қадриятларга мос келадиган маънавий ва моддий эҳтиёжларини сифатли қондириш, янада юқори турмуш даражасига эришиш демакдир.

Бугунги кунда дунё тараққиётининг асосий шарти ижтимоий тараққиёт суръатларини тезлаштириш, унинг ижтимоий ютуқларини ошириш, замонавий фикрлашни, ижтимоий кенгликда инновацион ресурсларни назорат қилиш, шунингдек, ижтимоий бошқарув воситаларини назорат қилишга киритиш ҳисобланади.

Ижтимоий бошқарувнинг тизими кўп функцияли бўлиб, ижтимоий соҳа тузилмасига мос келади. У қуйидаги омиллар билан характерланади:

-ижтимоий бошқарувнинг методологик асослари унинг моҳияти, мазмуни, қонуни, қонуниятлари ва тамойилларини очиб беради.

-ижтимоий бошқарув тизимини ўрганиш унинг ташкилий шакллари, функциялари ва тузилмасини аниқлайди, иқтисодий, ташкилий-бўйруқли, ижтимоий-психологик механизмларини, уларнинг йиғиндиси ва ҳамкорлигини кўриб чиқади. Бунга шунингдек, ижтимоий таъсирнинг сифати ва самарадорлиги, менежмент маданияти, менежерлар ўзларининг меҳнатини илмий ташкил этиш назарияси, уларни тайёрлаш тизимлари, бошқарувнинг санъат ҳақидаги билимлар ҳам киради.

¹ Nikolaev A. A. Sotsiologiya upravleniya: uchebnik. M. : INFRA-M, 2019. 317 s. URL: <https://new.znaniyum.com/document?id=343258> (data obraшeniya: 22.05.2023).

Ижтимоий соҳанинг ҳар бир тузилмавий элементи тизим доирасида қолганлари билан боғлиқ, ижтимоий соҳанинг бошқариш органлари тизими уларга таяниб, ўз аъзолари турмуш даражасини ошириш мақсадида барча ижтимоий жараёнларга комплекс таъсир қилишни амалга оширади.

Ижтимоий бошқарув соҳаси ҳам таъсир этиш объекти, ҳам субъекти нуқтаи-назаридан мустақил, кўп тузилмали ва оммавий бўлиб бормоқда, бу соҳада ўзгача бошқарувчи-мутахассис пайдо бўлмоқда. Шартнома бўйича ёлланган, натижалар бўйича бошқарув фаолиятига масъул бўлган ҳар бир менежер бошқарув соҳасида тадбиркорга айланмоқда. Бошқарув ва бошқарувчиларнинг алоҳида институти – бозор шаклланмоқда. У давлат бошқаруви билан муносиб рақобатлашмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, бу нафақат менежерлар, балки давлат бошқарув органларининг ҳам масъулияти ва профессионал жамоасини шакллантиришда асосий механизм экан.

- 1) аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад;
- 2) оилавий даромад;
- 3) энг кам ҳаёт даражаси;
- 4) истеъмол савати;
- 5) бандлик;
- 6) таълим;
- 7) медицина хизмати, овқатланиш сифати;
- 8) экологик ҳолат (ҳаво, атроф муҳит ҳолати).
- 9) демографик ҳолат (туғилиш, ўлим, умр кўриш).
- 10) шахсий хавфсизлик ҳолати;
- 11) жиноятчилик даражаси;
- 12) ижтимоий алоқалар, ижтимоий коммуникациялар аҳволи;
- 13) жиноятчиликка қарши кураш;
- 14) ҳимоясиз гуруҳларни ижтимоий қўллаб - қувватлаш (нафақа-хўрлар, болалар, ногиронлар);
- 15) оналик ва болаликни сақлаш;
- 16) меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи;
- 17) бўйсинмас хулқ;
- 18) жисмоний тарбия ва спортнинг аҳволи;
- 19) маданий муҳит, унинг моддий-техник базаси аҳволи;
- 20) товар ва хизматлар соҳаси.

Айнан фуқаролик жамияти шароитларида марказий ҳокимият фаолияти, капиталдан фойдаланиш устидан ҳаракатчан жамоатчилик назорати механизмлари пайдо бўлади.

Ижтимоий бошқарув ёрдамида молиявий маблағларни ижтимоий эҳтиёжларга сарфлаш мақсадида бюджетни тўлдириш механизмлари ишлаб чиқилади, иш ўринлари сони ортади.

Шуни айтиш керакки, ижтимоий бошқарув ўзининг замонавий кўринишини корпоративлик назарияси ва амалиёти таъсири остида намоён қилмоқда. У менежмент тараққиётида мавжуд механизма амалга ошириш билан тўлдириб бормоқда.

Ижтимоий бошқарув шахслар, ижтимоий гуруҳ, жамоанинг мақсад ва вазифаларини самарали бажаришга оид фаолиятнинг изчиллигини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятдир.

Шунинг учун ҳам замонавий дунёда бошқарувнинг асосий субъектлари сиёсий институтлар, давлат ҳокимияти, алоҳида сиёсий етакчилар ҳисобланади. Цивилизациянинг тақдири, ижтимоий тараққиётнинг йўналишларини, кўр томондан уларнинг ижтимоий маданияти ва сиёсий ҳулқ-атвориға боғлиқдир.

Бундан кўриниб турибдики, уларнинг фаолияти ва фикрлаш қобилияти бугунги кунда янги маданиятнинг тўлдирилиши, технологик, гуманитар, экологик, сиёсий бошқарув тизимининг барчасини ташкил этишнинг ривожланиши нимага асосан кечишини таҳлил қилишни ва бошқарувчанликни талаб этмоқда.

Инсонларнинг иқтисодий фаолиятини ҳар доим маълум бир услублар, назариялар, амалиётлар, институтлар ва ташкилотлар орқали бошқарилиб келинаётган бўлса, ижтимоий жараён, ҳодиса ва муносабатлар эса ҳали унчалик тарзда бошқарилиш даражасига ўтгани йўқ. Шунинг учун ҳозирги давр талабига биноан ижтимоий бошқарув фанининг асослари яратилмоқдаки бу фан орқали инсонлар учун энг асосий ҳисобланган ижтимоий жараёнлар унумли тарзда бошқарилади.

Ижтимоий бошқарув фанига XX асрнинг бошларида Ф.Тейлор, М.Вебер, А.Файола каби олимлар асос солдилар. XX аср ўрталаридан бошлаб бошқарув муаммоларининг ечилишида системали ёндошув усули қўлланила бошланди.

Бунда ижтимоий жараёнларни башорат қилиш ва бошқариш қуйидаги асосий вазифаларни кўзлайди:

- 1) истиқболни баҳолаш, жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим кўрсаткичларини аниқлаш ва унга оқилона етишишнинг самарали воситаларини белгилаш.
- 2) меъёрларни аниқлаш, истиқболдаги асосий ижтимоий талаб ва уни қондириш имкониятларини белгилаш.
- 3) таҳдидларни таъминлаш, жамият ижтимоий тараққиётига акс таъсир этиши мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Ҳозирги даврда ташкилот ва корхоналарни (давлатники ва хусусий бўлишидан қатъий назар) унумли бошқариш давр талабидан келиб чиқиб, самарали бошқарув механизмларини яратишни ва жорий этишни тақазо қилади. Зеро, кучайиб бораётган интеграцион жараёнлар ва ахборотлар тизимининг халқаро даражага етиб бориши, рақобат кучайиши ва бошқалар ижтимоий бошварувга бўлган муносабатни фойдали томонга кескин ўзгартиради ва бошқарув тизимида ижтимоий ўзгаришларга бўлган мослашувни тезлаштиради.

Ижтимоий бошқарувнинг такомиллашув истиқболлари Ўзбекистонда барча ислохотларни яънада тезроқ ва самаралироқ амалга ошириш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ўз-ўзини бошқариш тизимларини такомиллаштириш ва охир оқибатда аҳолининг турмуш даражасини ошириш имконини яратади.

Ахборотларнинг инсон томонидан тез ўзлаштирилиши ва унинг янги шароитларга мойиллик қобилиятларини ошириш бориши ҳар қандай бошқарув тизимининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, “инсон омили”ни доимо ва аниқ ҳисобга олишни тақозо қилади.

Бу жараёнда бошқарув маънавияти ҳам айнан маънавият тамойилларининг бошқарув соҳасида намоён бўлиши, раҳбарга хос маънавий фазилатлар, жамият ва давлат ҳаёти, барча соҳалардаги бошқарувнинг маънавият талабларига мос бўлишини англатувчи тушунча сифатида кириб боради.

Маълумки, мустабид тузум давридаги бошқарув жараёнида кишилар онгига бир томонлама маънавият ягона мафкура доирасида сингдирилди, у воқеликдан йироқ, мавҳум ва алоҳида мавқега эга бўлган жамият «элитасига хос» бошқарув маънавияти шаклида намоён бўлар эди. Бу даврга хос бўлган бошқарув тамойилларининг мутлақлаштирилиши оқибатида жамият манфаати охир-оқибатда шахс манфаатига қарама-қарши қўйила бошлади. Бундай мафкуранинг инсон манфаатларини ифода этмаслиги, унинг миллийлиги ва ўзига хослигининг инкор этилиши жамият аъзоларининг тарғиб этилаётган ғоя ва қадриятлардан, эътиқод ва ишончдан бегоналашувига, иккиюзламачиликка олиб келди. Ваҳоланки, ҳар қандай бошқарув фаолияти муайян ҳудудда истиқомат қилаётган халқ ва миллатнинг маънавий фазилатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бошқарув маънавияти қандай соҳага тегишли бўлмасин, бу борада фаолият юритаётган инсонларни ёруғ келажак сари етакловчи, уларнинг истиқболини ифодаловчи асосий омилдир. Шунинг учун шахс маънавияти жамоа ҳаёти ва бошқарувида қарор топган қадриятларга мос келмаган ҳолларда ходим ва бошқарув тизими ўртасида зиддият юзага келади.

Сиёсий фанлар доктори Ф.Равшанов бошқарувнинг инсоният ҳаёти билан боғлиқ учта асосий тури борлигини таъкидлайди. “Булар: инсон ақл-заковоти ёрдамида минг йиллар давомида тартиблаштирилиб, маънавий анъаналарга сингдирилиб юборилган, айтиш мумкинки, табиийлаштирилган, ёзилмаган қонунлар, қоидалар ёрдамида бошқарувдир; бевосита тайинланган масъул шахслар ёрдамида бошқарув; қонунлар, қўлланмалар, қоидалар ва шу каби бошқа дастуруламалар, ҳужжатлар ёрдамида бошқарувдир”². Агар муаммога ана шу омиллар асосида ёндашадиган бўлсак, давлат ва жамият бошқарув тизимида ҳам назарий ҳам амалий характердаги катта сиёсий тажрибага эгамиз. Фақат олдимиздаги асосий вазифа ана шу тажриба ва сиёсий-ҳуқуқий кўникмалар асосида бошқарувни модернизациялаштириш, инсон-жамият-давлат манфаатларининг уйғунлигини таъминлашимиз керак.

Абу Наср Фаробий фозил одамлар, фозил жамоа тўғрисидаги илғор ижтимоий-сиёсий ғоялари билан бизнинг тасаввуримиздаги замонавий демократик давлат шакллари ва унда бошқарувнинг сиёсий ва фалсафий моҳиятини яратишга эришади. Жумладан, фозил жамоанинг таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қуришнинг бевосита назарий талаблари билан мос келади. У ўз таълимоти орқали “уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлақ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган, энг олийжаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун, бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар”³, деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий қадриятларни тизимлаштиради.

² Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. –Т.; “Академия”, 2007. –Б.23

³ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. –Т.; “Янги аср авлоди”, 2016. –Б.190

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак бошқарув бўғини муайян жамиятда эъзозланувчи қадриятларнинг акс этиши унинг бошқарув самарадорлигининг муҳим омили сифатида эътироф этилади. Шу боис мамлакатда давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида маънавий қадриятларимиз ва миллий ғоямизга таянган ҳолда раҳбар ходимларнинг янги авлодини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

References:

1. Nikolaev A. A. Sotsiologiya upravleniya: uchebник. M. : INFRA-M, 2019. 317 s. URL: <https://new.znanium.com/document?id=343258> (data obraщeniya: 22.05.2023).
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. –Т.; “Янги аср авлоди”, 2016. –Б.190
3. Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик:тарих ва тажриба. –Т.; “Академия”, 2007. – Б.23

